

*Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 8 март кундаги  
жума тезисига қўшимча  
ИЛОВА*

**Мухтарам жамоат!** Сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада қўшни мамлакатлар диний идоралари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Озарбайжон каби туркий давлатлар Фатво ҳайъатларининг онлайн мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда уламолар ва соҳа мутахассислари томонидан Рамазон ойи ҳилолини кузатиш бўйича қилинаётган ишлар, фалакий ҳисоб-китоблар, астрономик маълумотлар атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, дунёдаги йирик фатво идоралари ва нуфузли астрономия институтлари ахборотлари батафсил кўриб чиқилди.

Туркий давлатлар уламолари фикҳий қоидаларга таянган ҳолда фалакий ҳисоб-китоб ва астрономик кузатувларни эътиборга олиб, ҳижрий **1445 йил Рамазон ойининг биринчи куни милодий 2024 йил 11 март, душанба кунига тўғри келиши** ҳақида қарор қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда жуда кўп мусулмон мамлакатлар, жумладан барча туркий давлатлар Рамазон ойини ва ҳайит кунини белгилашда фалакий ҳисоб-китобларга таяниб келишмоқда. Бунинг боиси фалакий ҳисоб китобларнинг аниқ экани ва кўпчилик учун қулай эканидир. Қолаверса, замонамиз уламоларининг иттифоқига кўра, намоз вақтларини белгилашда ҳам фалакий ҳисоб-китобларга кўра белгиланган тақвимларга суяниб келинади.

Шундан келиб чиқиб, ҳар ким ўз диёридаги мусулмонлар билан ҳамжиҳат бўлиб, улар рўза тутсалар рўзадор бўлиши, улар ҳайит қилсалар, биргалашиб байрам қилиши айтиш муддао бўлади.

Рамазон ойини муносиб кутиб олш бўйича нафақат масжидларимизда балки, юртимиз миқёсида олҳида тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Кун кеча Мухтарам Юртбошимизнинг **“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”**ги қарорлари эълон қилинди. Унда халқимиз учун эзгулик, бирдамлик, олижаноблик ва шукроналик тимсоли бўлган қутлуғ Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий кадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш бўйича қатор вазифалар белгилангани барчамизни беҳад хурсанд қилди.

Аллоҳ таоло кириб келаётган Рамазон ойини барчамизга муборак айласин! Ушбу ойнинг барча баракотларини ғанимат билиб, ундан унумли фойда олишимизни насиб этсин! Омин!



**Худудларда таровех намози бошланиш вақтлари ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

| т/р | Худудлар номи   | Бошланиш соати |
|-----|-----------------|----------------|
| 1.  | Фарғона         | 20:15          |
| 2.  | Наманган        | 20:15          |
| 3.  | Андижон         | 20:30          |
| 4.  | Тошкент         | 20:30          |
| 5.  | Тошкент ш.      | 20:30          |
| 6.  | Сирдарё         | 20:30          |
| 7.  | Жиззах          | 20:30          |
| 8.  | Самарқанд       | 20:45          |
| 9.  | Қашқадарё       | 20:45          |
| 10. | Сурхондарё      | 20:45          |
| 11. | Навоий          | 20:50          |
| 12. | Бухоро          | 20:50          |
| 13. | Хоразм          | 21:10          |
| 14. | Қорақалпоғистон | 21:10          |

